Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 31-iyul • Payshanba • 91 (27.896) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллик тўйига роппароса бир ой қолди.

Бугуннинг гапи

АВГУСТ ОЙИ — ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

Мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг, хусусан, пахтачиликнинг ўз ўрни бор. Кейинги йилларда ушбу тармоқда эришилаётган ютуқларнинг асосий омиллари, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда ерларнинг ҳақиқий деҳқонларга — фермерларга берилгани, уларнинг меҳнат қилишлари, ўз иқтидорларини намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилгани, моддий-техник ресурслари бойитиб борилаётгани самарасидир.

Республикамизнинг пахта етиштирувчи фермерлари бу йил ҳам улкан «оқ олтин» хирмони яратишга бел боғлашган. Шу мақсадда ғўза парваришидаги агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли мақсад-вазифалари бор, албатта. Айниқса, август ойи деҳқонлар учун энг масъулиятли давр ҳисобланади. Нега деганда, ғўза парваришидаги асосий агротехника тадбирлари шу пайтга, яъни деҳқончилик тақвимидаги айни асад ойига тўғри келади. Шу маънода мазкур ойдаги меҳнат, кўп жиҳатдан, олинажак ҳосил салмоғини белгилаб беради. Халқимизнинг «Асад — экинингни ясат» деган ажойиб мақоли замирида ҳам мана шу ҳақиқат мужассам, аслида. Зотан, ғўза агротехника талаблари асосида парваришланса, сув вақтида таралиб, культивация меъёрида қилинса, унинг ривожи тезлашиб, шоналар гулга, гуллар кўсакка айланади. Ой охирида қийғос очилган пахта ҳосили тарозига тушади.

Тўғри, бу йилги мураккаб обҳаво деҳқонларга бироз қийинчиликлар туғдирди. Аммо табиатнинг бундай синовларида тобланган республикамиз деҳқонлари чигитни оби-тобида ундириб олдилар. Бугунги кунда ғўза ривожи баравж, маромида ўсмоқда. Бунда деҳқону фермерларга муносиб иш шароити яратилиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб турилгани муҳим омил бўлди.

(Давоми 2-бетда)

«ЁШЛАР УЙИ»НИ ЁШЛАР ҚУРМОҚДА

Термиз шаҳридаги 5-кичик даҳада «Ёшлар уйи» қад кўтараяпти. Кўзга яққол ташланадиган жойга объект тўғрисидаги маълумотлар илиб қўйилган:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги **«Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармонига мувофиқ барпо этилаётган 4 қаватли 32 хонадонли 2 та уй қурилиши.

Буюртмачилар — «Термиз таъминот» саноат-қурилиш таъминот хусусий корхонаси ва «Сурхонкомбинат» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти.

Бош пудратчилар: «Термиз таъминот» саноат-қурилиш таъминот хусусий корхонаси ва «Сурхонкомбинат» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти.

Бош лойиҳачи: «Уй-жойсаноатсувқурилиш» лойиҳа хусусий корхонаси.

Уй-жойларнинг фойдаланишга топширилиш муддати — **2008 йил сентябрь.**

Уй-жойларнинг умумий қиймати: **2676,9 млн.** сўм».

Бир-бирига рўпара қурилаётган ғиштли биноларнинг бирида қурилиш-монтаж ишлари жадал кетмоқда.

— Кўриб турганингиздек иккинчи қават том устини ёпиш ишлари якунланиб, учинчи қаватнинг ғишти терилаяпти, — дейди **«Термиз таъминот» корхонаси иш юритувчиси Рустам Тўхтарев.** — Ишлар график асосида олиб борилмоқда. 45 нафарли жамоамизнинг ҳаммаси ёшлар...

Иккинчи кўп қаватли иморат қурилиши масъулиятини «Сурхонкомбинат» ҳиссадорлик жамияти ўз зиммасига олган. Уларга Термиз давлат университети талабалари яқиндан ёрдам беришаяпти.

— Ўтган йили «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг «Дарбанд» бекатидаги мактаб биноси қурилишида қатнашган эдик. Бу йил мана шу объектни танладик, — дейди талабалар **меҳнат отряди етакчиси Неъматилло Солиев.** — Бетон қорамиз, ғишт ташиймиз, тупроқ сурамиз, хуллас, ишлар кўп. 6 нафар тенгдошимиз ҳатто уста бинокорлардек ғишт теришаяпти. Насиб этса, биз қураётган «Ёшлар уйи» мустақиллигимизнинг 17 йиллигига муносиб совға бўлади...

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Келажак овози — 2008»

ИСТЕЪДОДЛАР ТАНЛОВИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида «Келажак овози — 2008» республика танловини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан он-лайн видеоконференцияси ташкил этилди.

Видеоконференция «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ЁИҲ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ходимлари, танловнинг ҳакамлар ҳайъати, ташкилий қўмита ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, шунингдек, талабалар иштирокида ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, «Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ бу йил «Келажак овози» танловини уч босқичда ўтказиш режалаштирилган. Танловнинг туман ва шаҳар босқичлари 4-10 август кунлари, вилоят босқичлари 10-20 август кунлари, финал босқичи декабрь ойида бўлиб ўтади. Кўрик-танловни юксак даража ва савияда ўтказиш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Тўрт йилдан бери ўтказиб келинаётган «Келажак овози» танловининг йил сайин нуфузи ва унга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. 2005 йилда ушбу танловда 3 мингга яқин ёшлар иштирок этган бўлса, 2006 йилда уларнинг сони 10 мингдан ошиб кетди. 2007 йилда 32 мингдан ортиқ аризалар қабул қилинган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 54 мингтани ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, танловда ғолиб бўлган ёшлар ўз йўналиши бўйича олий ўқув юртларига имтиёзли ўқишга кириш, тақдим этган лойиҳасини амалга ошириш ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказига аъзо бўлиш каби имкониятларга эга бўлишади.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан жойларда турли тадбирлар, учрашувлар, мулоқот ва давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – УСТУВОР

Наманганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Конрад Аденауэр жамғармаси (Германия) Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий вакиллиги ҳамкорлигида ўтказилган навбатдаги анжуман Ўзбекистонда Омбудсманнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан «Habeas Corpus Act» механизмларини амалда юритиш борасидаги ҳамкорлигига бағишланди.

Анжуманда сўзга чиққан Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида кенг миқёсда иш олиб борилаётгани, бу соҳадаги ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланаётгани ҳамда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли кафолати эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги фармонлари ҳам қонунчилигимиз миллий ва умуминсоний қадриятларга, инсонпарварлик, бағрикенглик тамойилларига асосланганини яна бир карра тасдиқлайди.

Акрам САТТОРОВ,
ЎзА мухбири

Кўнглида шукронаси бор одам унинг мукофотига албатта мушарраф бўлади. Бу бутун бир халққа хос фазилат бўлса, ризқи бутунлик, толеи баландлик бу халқни ҳеч қачон тарк этмайди. Биз ана шундай халқмиз. Бозорларимиз, дастурхонимизнинг доимо тўкинлиги шундан далолат беради.

Боғбонларимиз бу йил ҳам мўл-кўл мева етиштирди. Деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд галла хирмони бунёд этилди. Давлатимиз томонидан аҳолининг ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кафолатли таъминлаш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

РИЗҚИ БУТУН, ТОЛЕИ БАЛАНД ХАЛҚМИЗ

Жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиб бораётганини эътиборга олсак, халқимиз манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган бундай хайрли ишларнинг аҳамияти беқиёс эканини яна да чуқурроқ англаймиз.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган мажлисида мамлакатимиз озиқ-овқат бозорини барқарор таъминлаш ва мева-сабзавот маҳсулотларини ғамлаш ишларини ташкил этишга доир чора-тадбирлар ижросига алоҳида эътибор қаратди. Кўрилаётган ана шундай чора-тадбирлар натижасида биринчи ярим йилликда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз экинлари етиштиришнинг ўтган йил шу давридагига нисбатан ўсиши таъминланди.

Мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда дон, ун, ўсимлик мойи ва бошқа турдаги асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ишончли захираси, улгуржи ва чакана савдодаги зарур захира аҳолининг эҳтиёжини тўла қоплайди, ички истеъмол бозорининг узлуксиз тўлдирилишини таъминлайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтирилаётгани ва янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилаётгани айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Асосий истеъмол маҳсулотларининг ўртача чакана нархларининг ўзгариши қўшни давлатлар билан солиштирганда энг паст кўрсаткични ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг реал даромадлари изчил ортиб, халқ фаровонлиги янада ошаётганини эътиборга оладиган бўлсак, эркин рақобат муҳитига асосланган бозор шароитида нарх-навонинг муайян даражада кўтарилгани аҳолининг харид қобилиятига салбий таъсир кўрсатмайди.

Статистика идоралари маълумотларига кўра, 2001 йилда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача иш ҳақи кун кечириш учун минимум даражада зарур бўлган маблағнинг 99 фоизини ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 3 баробардан кўпроқ ошди. Таъкидлаш жоизки, бу рақам Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Иқтисодий тараққиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари юксалиб бораётгани, ички бозоримизнинг сифатли товар ва хизматлар, биринчи навбатда юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан барқарор тўлиб бораётгани аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини босқичма-босқич ошириш, мамлакатимиз истеъмол бозорини рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш учун ишончли асос яратмоқда. Шу боис жорий йилда ҳам бу борада ижобий тенденция давом этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 21 июлда қабул қилинган «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бу фикрнинг далилидир.

Аҳоли фаровонлиги ва манфаатлари ҳақида сўз борар экан, хусусан, гўшт ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш мақсадида республикамиздан бундай маҳсулотларни экспорт қилиш тақиқланганини айтиб ўтиш ўринлидир. Бундай чора-тадбирлар ҳам халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Аммо ўз манфаатини ўйлаб, қилмишининг оқибатини англаб етмайдиган айрим кимсалар томонидан белгиланган қонун-қоидаларга хилоф иш тутиш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан ун ва ўсимлик ёғи нархлари юзасидан жорий йилнинг олти ойи давомида ўтказилган 2084 мониторингда тўрт юзга яқин қонунбузилиш ҳолати аниқланган. «Ишонч телефони» орқали эса қариб саккиз юзта шикоят тушган. Кўрилган чоралар натижасида нархнинг сунъий оширилиши оқибатида истеъмолчиларга етказилган 84 миллион сўмга яқин маблағ эгаларига қайтарилган. 275 миллион сўмга яқин маблағ давлат бюджетига ўтказилган. Фаолиятида қўпол қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган 364 субъектга нисбатан иш қўзғатилди.

Буларнинг барчаси бозорларимиз тўкинлиги ва халқимиз фаровонлиги янада юксалишини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ

барқарор тараққиётга хизмат қилади

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгашида миллий ғоя ва маънавий юксалиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Икром Қурбонов «Жамиятни маънавий янгилаш жараёнида ЎзХДП ташкилотларининг ўрни ва вазифалари» мавзуида маъруза қилди.

(Давоми 2-бетда)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

Тадбир

ОҲАНГАРОН ЭКОФЕСТИВАЛИ

Ватанимиз мустақиллигининг ўн етти йиллигига бағишланган «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида экофестиваль марафони шу йил 25 июль куни Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида старт олди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Экосан» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ёшлар йилига бағишлаб мазкур экофестивални уюштирди.

Дастлабки экофестиваль 25 июль куни Оҳангарон шаҳар «Цементчи» ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан вакиллар иштирок этдилар. Тадбирнинг очилиш маросимида Оҳангарон шаҳар ҳокими Абдуғаффор Маннопов, «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Юсуфжон Шодиметов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоировлар сўзга чиқдилар.

Маълумки, Тошкент вилоятида атроф-муҳит муҳофазаси борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки вилоят саноати ривожланган йирик ҳудуд ҳисобланади.

Экофестивалда корхоналар, хусусий тадбиркорлар, халқ усталари, фермер хўжаликлари, «Ташаббус» танловининг ғолиблари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, жумладан, саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, амалий санъат буюмлари, экологик тоза қишлоқ-хўжалик маҳсулотлари кўргазмаси, шунингдек, вилоят табиат манзараларини акс эттирувчи суратлар, болалар бадиий ижодиёти намуналари, фотоэкспозициялар кўргазмаси ташкил қилинди.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АВГУСТ ОЙИ — ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қайси фермер билан суҳбатлашманг, бу жиҳатни алоҳида эътироф этишади. Ахир, уруғликдан тортиб, ёнилғи-мойлаш материаллари, маъданли ўғитлар дейсизми, ҳамма-ҳаммаси дала бошига олиб бориб берилди.

Дарвоқе, уруғлик масаласи. Президентимизнинг ҳар йили ҳар бир ҳудуднинг ўз уруғи бўлсин, деган оқилона кўрсатмалари асосида бугун ҳамма воҳанинг тупроқ иқлим шароитига мос пахта нави уруғи танлаб экилаяпти. Бу, аввало, навлар софлигига, тезпишарлигига эришиш, қолаверса, ҳар қандай об-ҳаво шароитларида ҳам мўл ҳосил олиш имконини бераётир.

Мамлакатимиз деҳқонлари айни пайтда ғўзаларни чеканка қилиш ишларини жадал олиб боришаяпти. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, бу тадбир мамлакатимиз жанубий — Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тўлиқ бажарилди. Қолган жойларда 10 августга қадар тугаллаш кўзда тутилган. Бу бежиз эмас. Негаки, чеканка қилингач, ғўза бўйига эмас, энига ўсади. Бу ҳосил шохлари ва туганаклари кўпаяди, деганидир. Кўп йиллик тажрибалардан ҳам маълумки, мазкур юмуш сифатли уддаланса, ҳосилдорлик 5-8 центнергача ошади. Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчи томони шундаки, чеканка асосида берилган озуқа ҳосил шохларига етиб боради. Ҳосил тугунчаларининг тўкилиши эса 10-15 фоизга камайиб, кўсак вазнига вазн қўшилади. Натижада кўсаклар бўлиқ ва салмоқдор бўлиб, 10-15 кун эрта очилади, шунингдек, олинажак тола сифатининг юқори бўлишини таъминлайди.

Пахтакорларнинг бундай меҳнатлари натижаси ҳозирдан кўзга ташлана бошлади. Чунки мутахассислар бугунги кунда ҳар бир ғўзада ўртача 6-8 тадан бўлиқ кўсак борлигини айтишмоқда. Баъзи фермер хўжаликларида эса кўсаклар сони 10-12 тага етди. Фермерлар ҳосил салмоғини янада ошириш, яъни август ойи давомида уларнинг ёнига яна 5-6 тадан кўсак қўшиш ниятида парваришга зўр беришган.

Кекса деҳқонлар ҳосилга ҳосил қўшиш учун шу дамларда қатор оралаб ғўзаларни «варақлаш»ни маслаҳат беришаётир. Шу аснода пайкалдаги экиннинг қаерида аҳвол қандайлиги аниқланади. Бунинг бошқа бир ижобий жиҳати ҳам борки, ундан олинадиган иқтисодий самара аҳамияти ниҳоятда катта. Яъни «варақланган» ғўзалар бағрига шабада тегиб, бўлажак ҳосилнинг баракаси ва сифати таъминланади. Шунинг учун мўл ҳосилни кўзлаган фермер ғўза оралашдан эринмаслиги керак.

Асаднинг ўзига хос томони шундаки, бу пайтда ҳамма фермернинг ёнига кириши, айниқса, сувчи, механизатор, энтомолог-агроном ўз ишига масъулият билан ёндашмоғи лозим. Чунки бу ойда бажариладиган агротехника тадбирларининг қатор нозик жиҳатлари бор. Уни бекаму кўст адо этмасдан туриб, мўл ҳосил олишнинг иложи йўқлигини пахтакорларимиз яхши билишади.

Шу ўринда бир мисол. Дунё бўйича пахта ҳосилининг 20-25 фоизини зарарли ҳашаротлар еб қўяркан. Юртимизда бундай зараркунандаларга қарши фойдали ҳашаротлар қўлланилади. Биолабораторияларда етиштирилган трихограмма, бракон ва олтинкўзлар кўсак қурти, ўргимчаккана каби зараркунандаларнинг кушандаси ҳисобланади. Бу усул экологик жиҳатдан мутлақо безарар, иқтисодий тарафдан эса тежамкордир.

Август кириши билан ҳарорат нисбатан пасайиб, тунлари салқин тушади. Бу кўсак қурти, ўргимчаккана каби зараркунандаларнинг кўпайишига қулай шароитни юзага келтиради. Модомики, бундай ҳашаротлар белги берар экан, уни даф этишнинг самарали йўли — биологик курашни зудлик билан ўтказиш шарт. Бу жараёнда мутахассислардан ҳам алоҳида масъулият, ҳал қилувчи маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатиб, ташаббускор бўлиш талаб этилади. Негаки, пахтачилик алоҳида эътибор, уюшқоқлик ва бирдамликни хуш кўради. Бепарволик, бефарқлик эса фақат зарар келтиради.

Халқимиз «Асад суви — асал суви» дейди. Бу ойда сувга қонган ғўзада шода-шода кўсак битади. Тадбир тунда амалга оширилса, янада яхши. Сабаби, обиҳаёт офтоб тиғида парламмайди, ғўза қониб сув ичади. Бунинг учун иш қуроллари ҳамиша тахт бўлиши, инчунин, тунги чироқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Аммо суғоришни қўллатиб ҳам, чўллатиб ҳам бўлмайди. Мабодо ғўзага сув вақтида таралмай чанқатиб қўйилса, гул ташлайди. Аслида у бепарво деҳқоннинг хатосидан «кўз ёш» тўкади. Охир-оқибат ҳосил салмоғига путур етади. Қўлланилса-чи? Бунинг зарари ҳам асло кам эмас. Ғўза кўкка зўр бериб, ғовлаб кетади. Пировардида ҳосил тугунчалари етарли озуқа ололмай «сиқилиб» қолади, димиқиб, тўкилиб кетади. Энг асосийси, бебаҳо табиат инъоми — сувнинг беҳуда, самарасиз сарфланишига олиб келади. Мана, исботи: Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти тажрибаларидан аниқланишича, агар суғориш кечикса, пахта ҳосили гектарига 6-7, ҳатто 9-10 центнергача, муддатидан илгари суғорилганда эса 3-6 центнергача камаяди.

Жорий йил мавсумига тажрибали мироблар жалб этилиб, уларнинг иш ҳақлари ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилинаётганлиги ҳам иш сифати ва салмоғини оширмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, ғўзага маъданли ўғитлар бериш аллақачон якунланган. Энди экин маҳаллий ўғит билан озиқлантирилиши лозим. Бунинг фойдасини пахтакорлар яхши билишади. Чунки у экинга нафақат мадор бўлади, балки нам сақлаб, сувни иқтисод қилиш имконини беради. Шу боис олинадиган ҳосил чўғи ер эгасининг жамғарган маҳаллий ўғитига қарата чамаланган. Мутахассисларнинг фикрлари ҳам шунга ҳамоҳанг: «шарбат» сувига тўйган ғўза мўл ва сифатли ҳосил тўплайди. Юксак хирмон уйишга аҳд қилган мамлакатимиз деҳқонлари ҳандақларда «шарбат» қилиб, жўякларга оқизишмоқда.

Таралган сувнинг ғўза томирларига етиб, жон бағишлаши, ўз навбатида, культивациянинг нечоғли сифатли бажарилганига боғлиқ. Мутахассислар жорий йил мазкур агроюмушни тупроқ етилиши билан тез-тез ва чуқур қилиб ўтказишни маслаҳат беришмоқда. Яъни чуқурлиги 17-18 сантиметрдан ошмагани маъқул. Культиваторнинг тегишли ишчи органлари ҳимоя воситалари билан, деҳқончасига айтганда, «балиқ сирти» қилиб ўралиб, сўнг қатор ораларига солиниши керак. Яна шуни ёдда тутиш жоизки, культиваторни «йўрттириб» эмас, балки «одимлатиб» юргизиш зарур. Ана шунда сувдан кейин униб чиққан бегона ўтлар бутунлай йўқолади. Энг муҳими, ғўзанинг илдиз системасига зарур бўлган ҳаво ва иссиқлик яхши ўтиб, унинг ривожи жадаллашади.

Культивациянинг нозиклиги шундаки, у бир кун кечикса ҳам зарар. Жўяклар қуриб, ер ёрилади. Оқибатда культивация жараёнида ғўза томирлари шикастланади. Бир томир узилиши битта шона, битта гул, демакки, битта кўсак нобуд бўлди, деганидир. Шу маънода ғўза парваришида миробу механизатор ҳамкорлигининг аҳамияти ниҳоятда беқиёсдир.

Ёзнинг сўнгги ойида юқоридаги тадбирлар амалга оширилгач, дефолиация қилинади. Бу юмуш ҳосилнинг 40-50 фоизи очилгандан сўнг бажарилади, йиғим-терим ишларига ҳозирлик бошлаб юборилади.

Август — ғўза парвариши мавсумининг масъулиятли палласи эканлигини сидкидилдан ҳис қилган мамлакатимиз фермерлари ажойиб ташаббус билан чиқиб, мазкур ойни «Зарбдор ўттиз кунлик» деб эълон қилдилар. Зотан, кўпни кўрган деҳқонлар августдаги меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови эканлигини яхши билишади.

Бу чорлов ғурури баланд деҳқонларимизнинг ерга ва меҳнатга бўлган муносабати тубдан ўзгарганлиги, машақкатли ва завқли меҳнатлари эвазига бунёд этилажак ҳосилдан, пировардида, ўзларининг дастурхонлари янада тўкин бўлиши, даромадлари кўпайиб, элу юртимизнинг ободлиги, иқтисодиётимизнинг эса янада юксалишига хизмат қилиши учун белни маҳкам боғлаб, «долзарб ойлиқда» ҳар қачонгидан ҳам серғайрат бўлиб ишлашга аҳд қилганликларининг ифодасидир.

Шундай экан, ҳар биримиз азиз пахтакорларга мададкор бўлиб, қўлимиздан келганча ёрдам берсак, августда қилинажак меҳнат ҳосилга ҳосил қўшиб, уйилажак «оқ олтин» хирмонимизнинг янада юксак бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси.
«Халқ сўзи» газетасидан олинди (2008 йил 30 июль).

Ҳуқуқий ислоҳот

Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда истиқлол йилларида инсон қадри ва ҳуқуқига олий неъмат сифатида қаралаётганлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳам мана шу декларация ҳисобланади. Декларация қоидалари авваламбор Конституциямизда, ундан сўнг миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топди. Конституциямизнинг муқаддимасидаёқ Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиши, инсон ҳуқуқларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилди.

БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш Конвенциясини тўлдирувчи 2000 йилнинг 15 декабрида қабул қилинган «Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида»ги Протоколда одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали чораларини кўриш, шундай фаолият билан шуғулланувчи шахсларни жазолаш, одам савдоси қурбонларини, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чораларни ўз ичига олган халқаро ёндашув ўз аксини топган.

Маълумки, бугунги кунда миграция жараёнларининг кучайиши муносабати билан одамлар савдоси қамрови тобора кенгайиб бораётганлигини инобатга олиб, жаҳонда бу жиноятларга қарши курашиш масаласи тобора жиддий бўлиб бормоқда. Ўтган йилнинг февраль ойида Вена шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ҳар йили 2.7 млн. нафарга яқин шахс айнан шу жиноят қурбони бўлиб, уларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилгани таъкидланди. Шу муносабат билан республикамизда бу иллатга қарши курашиш масалалари давлат миқёсида ҳал қилинмоқда ва одамлар савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда мазкур Протокол қоидаларини миллий қонунчиликка сингдириш мақсадида шу йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Бу Қонунда «одам савдоси» ва «одамлардан фойдаланиш» тушунчалари белгиланди, одам савдосига қарши курашиш тизимининг ташкил этилиши тартиби, ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари, шунингдек, одам савдоси қурбонларининг ҳимояси ва ижтимоий-ҳуқуқий реабилитацияси масалалари ёритилди.

Бу билан Ўзбекистон халқаро шартномаларга содиқлигини ва ўзининг халқаро мажбуриятларини бажараётганлигини яна бир бор тасдиқлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақидаги Конвенциясига қўшимча киритувчи «Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида»ги Протокол эса Ўзбекистон томонидан 2001 йил 28 июнда имзоланган эди.

Протоколга кўра, ҳар бир иштирокчи давлат зарур ҳолларда одамлар савдоси қурбонларига суд ва маъмурий ишлар юзасидан ёрдам кўрсатиши, уларнинг жисмоний, психологик ва ижтимоий реабилитациясини таъминлаши, зарур бошпана, консультация, ахборот, тиббий, психологик, моддий ёрдам бериши, ишга жойлашишларига кўмаклашиши ва бошқа кўплаб масалаларни, муаммоларнинг ҳал қилинишига ёрдам бериши кўрсатилган. Шунингдек, Протоколда чегара назорати чораларини кўриш, зарур ҳолларда ва алоқадор халқаро конвенцияларни бузмаган ҳолда ушбу тадбирларга тижорат ташувчилари, жумладан, барча транспорт компаниялари ёки ҳар қандай транспорт воситалари эгаси ёки операторига барча йўловчилар мезбон давлатга кириш учун зарур кириш-чиқиш ҳужжатларига эгалигини текшириш талаблари кириши таъкидланган. Бундан ташқари, одамлар савдосининг олдини олиш масалаларида ҳуқуқ-тартибот, миграция ёки бошқа органлар ходимлари тайёргарлигини таъминлаш ёки ривожлантириш ҳам назарда тутилган. Бундай тайёргарлик жараёнларида асосан одам савдосини олдини олиш услубларини такомиллаштириш, у билан шуғулланувчи шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш, одам савдоси қурбонлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва чет элдаги фуқароларнинг ватанларига қайтиб келишларига ёрдам беради.

Мамлакатимизнинг мазкур халқаро ҳужжатга қўшилиши ҳамда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамларнинг қонуний манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя этиш юзасидан юртимизда тизимли асосда изчил иш олиб борилаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқеини кўтаради.

Турсуной АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Маънавият — инсонни қалбан улғайишга чорлайдиган, ички дунёсини гўзал, иродасини мустаҳкам, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс кучдир, — деди у. — Дарҳақиқат, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар билан бир қаторда, жамиятни маънавий янгилаш ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга. Партиямиз мамлакатда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси сифатида бу жараёнлардан ҳам четда турмаслиги, имконият доирасида унга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Бундан ташқари, маънавият масалаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенгроқ тарғиб этиш мақсадида бошланғич партия ташкилотлари, аҳоли истиқомат жойлари, меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида кўплаб давра суҳбатлари, учрашув, очиқ мулоқотлар ўтказиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Бу иш қисқа муддатли кампанияга айланиб қолмаслиги, режали ва давомли бўлиши шарт. Бунда партия кенгашларининг тарғибот гуруҳларидан самарали фойдаланиш керак. Ахборот-ресурс марказларимиз эса бу ишда фаоллар ва тарғиботчиларга ҳам услубий, ҳам ахборий кўмак бериши зарур.

— Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир, — деди **Термиз давлат университети проректори, филология фанлари доктори П.Бакиров.** — Маънавият, жамиятнинг келажаги ҳақидаги фикрлар ҳар биримизни безовта қилиши керак. Олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларимиз халқимиз ва миллатимизнинг кўп йиллар давомидаги ҳаётий, ижтимоий-сиёсий тажрибалари, жаҳонда содир бўлаётган воқеаларнинг таҳлили асосида ташкил этилиши лозим, деб ўйлайман.

Шунингдек, вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари М.Азимов, ТерДУ доценти Х.Худойбердиев, «Халқ йўли» газетаси муҳаррири Ч.Жумақулов ва бошқалар ҳам ушбу долзарб мавзулар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

(Ўз мухбиримиз).

✧✧✧

ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан Пахтакор туманида ташкил этилган давра суҳбати Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг мамлакатдаги маънавий янгиланиш жараёнлардаги иштироки ҳамда уларни қизиқиш ва истеъдодлари, қобилиятига қараб касбга йўналтириш ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашишда партия ташкилотлари, фаоллари, депутатларнинг устувор вазифаларига бағишланди.

И.Отабоев, Пахтакор маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Мустақилликнинг ўн етти йили давомида бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Эртанги кунимиз қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Уларни мустақил фикрлаш қобилиятига эга, онгли яшайдиган, комил инсонлар этиб вояга етказиш, бефарқлик ва лоқайдликдан йироқ ҳолда тарбия қилиш жуда муҳим. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган авлодда бунёдкорлик ишларига дахлдорлик туйғусини, маънавий комилликка интилишни кучайтириш жараёнида ЎзХДП ва жамоат ташкилотлари, маҳаллаларнинг ўзаро ҳамкорлиги бу борадаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини таъминлайди.

П.Йўлдошев, Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:

— Маънавиятни тушуниш учун, энг аввало, инсон уйғоқ онг, теран ақлга эга бўлиши керак. Шу маънода, ёшлар тарбияси, уларнинг орзу-интилишлари ва маънавий камолотини шакллантиришда олдимизга қўйилган вазифаларни қай даражада бажараяпмиз? Ҳаётимизга замонавий технологиялар кириб келаяпти. Улар орқали катта ахборот оқими пайдо бўлди. Улар орасида менталитетимиз, маънавиятимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизга тўғри келмайдиган маълумотлар жуда кўп. Хўш, бу жараёнда бизнинг вазифамиз нималардан иборат бўлиши керак? Биз ана шу ишда бор имкониятларни, жумладан, партия тизимида ташкил этилган Ахборот-ресурс марказларидан, сиёсий ўқишлардан, «Истиқбол» ёшлар қаноти ибратли ишларидан фойдаланишимиз, миллий ғоя тарғиботини кучайтиришимиз керак.

Миллий ғоя ёш авлодни ватанпарварлик, ота-она, маҳалла, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Улар қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларда ёшларнинг ташаббускорлиги, истак, қизиқишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

✧✧✧

Андижон вилоят партия кенгашида ташкил этилган ушбу мавзу доирасидаги давра суҳбатида халқимизнинг бой тарихий анъаналари, маънавий қадриятларини кенг жамоатчиликка етказиш, электорат билан иш олиб боришнинг самарали восита ва усуллари муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистон ХДПдаги сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими, ахборот-ресурс марказларида тўпланган тажрибадан унумли фойдаланиш, маънавият, мафкура, миллий ғоя, унинг тамойиллари ва партия ташкилотлари олдида турган вазифалар хусусида фикр алмашилди.

А.УЗОҚЖОНОВ, Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Маълумки, миллий ғоя мустақиллик йилларида шаклланган, ўзига хос фалсафий асоси, илмий-назарий ва тарихий илдизларига эга яхлит таълимотдир. Ўтган 17 йил мобайнида юртимизда миллий маънавиятни тиклаш, уни ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб масалаларни ҳал қилиш, халқимиз маънавиятини асраш ҳамда юксалтириш, айниқса ёш авлоднинг қалби, онгини турли зарарли ғоя, мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг асосий мақсадимиз бўлиши лозим деб ҳисоблайман.

О.ТОҲИРОВ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Андижон филиали бош илмий ходими:

— Меҳнат жамоалари, аҳоли истиқомат жойлари ва ўқув юртларида миллий ғояни фаол тарғиб қилиш технологияларини жорий этиш ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар бефарқлик ва лоқайдлик билан эмас, балки, мустақил юртимизда амалга оширилаётган бунёдкор ишларга дахлдорлик ҳисси билан яшаса, жамиятдаги ўрни ва нуфузи ошиб бораверади.

Давра суҳбатларида Ўзбекистон ХДП Марказий ва вилоят кенгашлари масъул ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, шаҳар, туман кенгашлари раислари, мафкуравий ишлар бўйича раис ўринбосарлари, тарғиботчилар гуруҳлари аъзолари, «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотлари фаоллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

«ЁШ БУНЁДКОР – ЭЛГА МАДАДКОР»



Суратларда: *«Бунёдкор ёш темирйўлчи» меҳнат отряди аъзолари фаолиятидан лавҳалар.*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Республика «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши билан ҳамкорликдаги «Ёзги таътил вақтида республикадаги барча олий таълим муассасаларида Бунёдкор — 2008 талабалар меҳнат отрядлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарорига биноан Тошкент автомобиль йўллари институти, Тошкент давлат техника ва Самарқанд давлат университетлари талабалари билан бирга Тошкент темир йўллари муҳандислик институтидан ҳам 50 нафар бўлғуси муҳандислардан иборат «Бунёдкор ёш темирйўлчи» меҳнат отряди тузилган эди. Уларнинг аксарияти меҳнат отрядларида ишлаб тажриба тўплашган. Чунки институтимиз талабалари ўтган йили ёзги таътилда «аср қурилиши» номини олган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл қурилишида иштирок этиб, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК томонидан олиб борилаётган катта бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссаларини қўшган эдилар.

Бу йилги таътил даврида эса улар 1200 ўринли Темирйўл коллежи қурилишида иштирок этишаяпти.

Ушбу меҳнат отрядларининг тузилишидан кўзланган асосий мақсад — биз ёшларнинг ёзги таътил давомидаги бўш вақтларимизни мазмунли ташкил этиш, фойдали меҳнатга жалб қилиш билан биргаликда назарий олган билимларимизни амалиётда қўллаш имконияти яратилганидир. Биз бор куч ва ғайратимизни мамлакатимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида сарф қилишга ҳар доим тайёрмиз.

Жўрабек СОБИРОВ,
ТошТЙМИ талабаси.

Истиқлол имкониятлари

ИҚТИСОДИЁТ «ҚОН ТОМИРЛАРИ»

бўлмиш мамлакатимиз темир йўллари фаолиятига айрим чизгилар

Баъзан мамлакатимизнинг бирон бир шаҳрига сафарга чиқадиган бўлсак, қайси транспорт воситасида борсак экан, деб, ўйланиб қоламиз. Лекин пировардида поездда кетишга қарор қиламиз. Негаки, ҳам арзон, ҳам қулай.

Дарвоқе, эндиликда йўловчи поездларида барча қулайликлар мавжуд. Бу борада айниқса, мустақиллик йилларида катта ислоҳотлар амалга оширилди. Янги-янги темир йўллар қурилиб, турли йўналишлар бўйича поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Бундан тўрт йил аввал «Тошкент — Самарқанд — Тошкент» йўналиши бўйлаб қўйилган «Регистон» тезюрар поезди барча йўловчиларнинг олқишига сазовор бўлаётир. Вагонлар кенг, ўриндиқлар жоннинг ҳузури. Вагон кузатувчиларининг хушмуомалалигини айтмайсиз. Дастлаб у Самарқандга беш соатда етиб борарди. Эндиликда кўз очиб юмгунча, яъни уч ярим соатда қадимий шаҳардасиз.

Кейинчалик «Тошкент — Бухоро — Тошкент» йўналиши бўйлаб ҳам худди шундай «Шарқ» поезди қатнови йўлга қўйилди. Ўтган йили эса «Тошкент — Қарши — Тошкент» йўналиши бўйлаб «Насаф» поезди қатнай бошлади.

Маълумки, бундан қарийб бир йил аввал «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўл линияси тантанали равишда ишга туширилган эди. 220 километрни ташкил этувчи бу темир йўл эндиликда наинки Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини, балки ушбу воҳани пойтахтимиз ва юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан ҳам боғлади. Мутахассисларнинг фикрича, янги темир йўл қурилганлиги туфайли масофа 190 километрга қисқарибди. Яқин келажакда «Тошкент — Термиз» йўналиши бўйича тезюрар поездлар қатнай бошласа, ҳеч ким ажабланмайди. Шундай бўлади ҳам.

Темир йўл транспорти — барча мамлакатлар иқтисодиётининг асосий алоқа воситаси, яъни «қон томири» дея бежиз таъриф берилмаган. Жўғрофий жиҳатдан денгиз йўлларидан бирмунча узоқда жойлашган Ўзбекистонда у янада катта аҳамият касб этади. Шу боис юртимизда янги-янги темир йўллар қурилмоқда. Бундан бир неча йил аввал «Тошкент — Навоий — Учқудуқ — Тўрткўл — Султон Увайсоғ — Нукус» темир йўлининг ишга туширилгани катта воқеа бўлгани ҳалиям эсимизда. У халқаро йўналишда янги йўловчи поездларни ҳаракатга туширишда тажриба воситасини ўтади. Шундан сўнг «Тошкент — Саратов», кейинчалик «Тошкент — Санкт Петербург» йўналишлари бўйича қатнов йўлга қўйилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси таркибидаги «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси йўловчиларни ўз вақтида манзилига етказишдек шарафли вазифани астойдил бажармоқда.

— Йўловчиларга қўнгилли хизмат кўрсатиш учун сервис марказлари тизими қайта кўриб чиқилди, — дейди «Сервис экспресс» филиали бошлиғи Рустам Абдувалиев. — Йўловчиларга ва уларга мўлжалланган барча турдаги вагонлар учун маиший ҳамда техник хизмат кўрсатиш филиаллари ташкил этилди. Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, харажатларни камайтириб, даромадни кўпайтириш, зарарли фаолият турларини қисқартириш бизнинг асосий мақсадимиз. Коньюнктура талаблари ҳисобга олинган ҳолда, аниқ маромдаги тариф сиёсати ўтказилиши учун йўловчилар ташиш маркетинг бўлими ташкил этилди. Энг муҳими, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ижроси ва корхона ишчи-хизматчиларининг намунали меҳнат шароити таъминланди.

Кейинги йилларда поездларда йўловчи ташиш миқдори анча ошди. Нафақат халқаро йўналишларда, балки маҳаллий йўналишларда ҳам мижозлар кўпайиб бормоқда. Йўловчиларга яратилган шарт-шароит бунинг бош омили бўлаётир. Барча вокзаллар, бекатлар замонавий талаблар даражасида жиҳозланган. Йўловчилар учун интернет заллари, кинозал, юқори комфортли дам олиш хоналари, сартарошхоналар очилди. Поезд ҳаракати давомида йўловчилар учун турли кўнгилочар компьютер хизматлари ҳам йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси йўловчи кўпайишига, даромад ошишига замин яратди.

— Биз ҳамиша халқаро ва маҳаллий йўналишларни янада кенгайтириш, йўловчиларнинг талаб-эҳтиёжларига кўра поездлар қатновини кўпайтириш чораларини кўриб келаяпмиз, — дейди «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти директори Фарҳод Жалолов. — Ҳозирги пайтда «Тошкент — Саратов» халқаро йўналишидаги поездлар қатнови март ойидан бошлаб бир ҳафтада икки марта ўрнига уч марта амалга оширилмоқда.

Шу йилнинг январь ойидан кўплаб йўловчиларнинг талаб-истаклари инобатга олиниб, ҳар 4 кунда «Тошкент — Новосибирск» йўналиши бўйича поезд қатнови йўлга қўйилди.

Июнь ойидан эса ҳафтада бир марта қатнайдиган «Тошкент — Санкт Петербург» поезди йўловчиларга хизмат қила бошлади. Шу ойнинг ўзида яна бир янги — «Тошкент — Екатеринбург (Свердловск)» йўналиши очилди. Бундан ташқари, поездлар Москвага ҳафтасига 3 марта, Уфага 3 марта, Харьковга 1 марта йўналиш бўйича қатнаб турибди. Қолаверса, «Россия темир йўллари» ОАЖ томонидан ташкил этилган йўловчи поезди ҳам ҳар ҳафта «Челябинск — Тошкент» йўналиши бўйича қатнамоқда.

Корхонанинг асосий иш фаолияти йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишдан иборат. Шундай бўлгач, унинг муваффақияти инсофли ва ҳалол, ўз ишининг устаси бўлган кадрларга бевосита боғлиқ. Шу сабабли бу ерда меҳнат интизомига алоҳида эътибор қаратилган. Корхона ишчи-хизматчилари меҳнатига уларнинг хизмат кўрсатиш даражасига қараб баҳо берилади. Очилаётган янги-янги халқаро ва маҳаллий йўналишларда йўловчиларга замонавий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, вагонларнинг шинам ва озода экани, энг муҳими, меҳмону мезбонларга, қолаверса, юртдошларимизга холис ва ҳалол хизмат қилмоқни ўзларининг шарафли бурчи деб билган инсонлар шу соҳанинг обрўсига обрў қўшаётир.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

КАРАЖИЧ ТРИБУНАЛГА ТОПШИРИЛДИ

Ҳарбий жиноят содир этишда айбланган босниялик сербларнинг собиқ етакчиси Радован Каражич Роттердамга олиб келинди, деб хабар беради «Скай ньюз».

Бу шаҳарда собиқ Югославия бўйича Халқаро трибунал жойлашган. Трибунал қамоқхонасига собиқ президентни вертолётда олиб боришди.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Исроил бош вазири Эҳуд Олмерт Сурия билан музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланишини маълум қилди, деб хабар беради РИА Новости.

Шу билан бирга, бош вазир Дамашқни Исроил билан яхши муносабатда бўламан деса, Эронга кўп яқинлашмасликка чақирди. Бош вазирнинг маслаҳатчилари Йорам Турбович ва Шалом Туржеман Истанбулда Сурия вакиллари билан мулоқотнинг тўртинчи босқичини бошлашди. Олмертнинг фикрича, мулоқот амалий аҳамиятга эга.

Исроил-Сурия мулоқоти икки ой аввал бошланган ва билвосита Туркия иштироки билан олиб борилмоқда.

НЕФТЬ НАРХИ ПАСАЯДИ

Дунё бозоридаги нефть нархи сўнгги икки ой ичида нисбатан паст кўрсаткичга тушди, деб хабар беради Рейтер.

Brent Crude Oil маркали нефть аралашмаси ICE (InterContinental Exchange Futures) Лондон биржасида 122,71 доллар миқдорида баҳоланди. Нью-Йоркнинг NYMEX (New York Merchantile Exchange) биржасида эса Американинг Light Sweet Crude Oil марка ёқилғисининг бир барелли 122,19 долларни ташкил этди. ОПЕК президенти Шакиб Халилнинг фикрича, нефть нархи 70-80 долларгача арзонлашиши мумкин. Шунингдек, Шакиб нефть қазувчи давлатлар нефть ҳажмини камайтирмаслиги кераклигини таъкидлади.



ОЛИМПИАДА ЯҚИН

Ёзги Олимпиаданинг очилишига икки ҳафтадан оз вақт қолди.

Айни дамда Пекин шимолида Олимпия шаҳарчаси фаолият бошлади. Хитой терма командаси — энг кўп иштирокчилари бор жамоа шаҳарчага жойлашиб бўлди. «Қуш уяси» деб номланган марказий стадион ёнидаги Олимпия шаҳарчаси жами 16 минг нафар спортчи учун умумий уй вазифасини ўтайди. Унда махсус инфратузилма —дўконлар, ошхона, кафе, кинотеатр, ҳатто дунё динлари маркази ҳам бор.

Қуролланган халқ полициячилари спортчилар хавфсизлигини таъминлайди. Бундан ташқари, шаҳарча икки қават сим тўсиқ ва бир неча мониторлар билан ўралган. Мобил лабораториялар эса озиқ-овқат сифатини назорат қилади. Ўйинларга тайёргарлик Халқаро Олимпия қўмитасининг антидопинг компанияси билан ниҳоясига етади. Қўмита раҳбари Жак Роге бу сафар тест синовлари миқдори кўпайгани учун допинг билан боғлиқ можаролар сонини 30-40 тагача деб тахмин қилмоқда.

Бундан ташқари, Пекин Олимпиадасида спортчилар жинсини аниқловчи лаборатория ҳам ишга тушади. Аёллар баҳсида эркаклар иштирок этиш эҳтимоли бўлгани сабаб, мана, бир неча ўн йилдан буён мазкур лаборатория текшируви жорий қилинган.

АҲОЛИ КАМАЙМОҚДА

Украина аҳолиси бир йилда 367 мингга, бир ойда эса 23 минг кишига камайди, деб хабар беради Lenta.ru.

Украина аҳолиси мана бир неча йилдирки камайиб бормоқда. Эслатиб ўтамиз,1989 йил Украинада 52 миллиондан ортиқ киши истиқомат қилган бўлса, ҳозирги кунда бу ерда 46,507 миллион фуқаро бор.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

давлат акциядорлик темир йўл компанияси раҳбарияти

Кўп минг кишилик жамоамиз аъзоларини ва барча бўлимларда фаолият юритаётган ишчи-хизматчиларни, катта тажрибага эга бўлган меҳнат фахрийларини

3 август — Темирйўлчилар куни

муносабати билан қизғин ва самимий муборакбод этади. Сизларни қутлуғ байрам билан табриклар эканмиз, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, амалга ошираётган эзгу ишларингизда муваффақият ва хонадонларингизга файзу барака тилаймиз. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни темир йўл транспорти хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бу эса ҳаммамизга катта масъулият юклаш билан бирга қалбимизни фахр-ифтихорга ҳам тўлдиради!





Сизларга ҳамиша бахт ва омад ёр бўлсин!

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан



ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

Тошкент қадимдан тинчлик, дўстлик, нон шаҳри деган таърифу юксак эътирофларга сазовор бўлиб келган. Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган пойтахтимиз аҳолиси саховат, меҳмондўстлик, турли миллат ва элат вакилларига ҳурмат-эътибори билан шуҳрат қозонган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг нафақат жаҳон харитаси, балки сиёсат оламида ҳам Тошкент деган янги ном пайдо бўлди. Шунинг билан бирга, у дунё сиёсий саҳнасида ҳам ўз ўрни, овозига эгадир. Тинчлик ва осойишталикни тарғиб этувчи, бу йўлда кўплаб ташаббусларни илгари сурадиган кучли марказга айланди.

Бу ерда турли қитъалар ва мамлакат вакиллари иштирокида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган нуфузли учрашувлар, халқаро анжуманлар, санъат, адабиёт, кино фестивалари, йирик жаҳон саммитларининг ўтказилиши фикримиз исботидир. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида пойтахтимизнинг халқаро майдондаги нуфузи беқиёс ортди. Истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб Тошкентда ўта муҳим ташқи сиёсий ва иқтисодий муносабатларда энг мақбул йўлларни топиш юзасидан кўплаб ташаббуслар илгари сурилди.

Мустақилликка қадар юртимизда бирорта ҳам хорижий давлат элчихонаси йўқ эди. Бугунги кунда чет элларда мамлакатимизнинг 50 дан ортиқ дипломатик ваколатхонаси бор. Пойтахтимиз Тошкентда эса 90 га яқин элчихона ва савдо ваколатхоналари аккредитация қилинган. Шунингдек, Тошкентда БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ШҲТнинг минтақавий аксилтеррор маркази ваколатхоналари самарали фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз БМТ, Ислом конференцияси ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ), Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Шанҳай ҳамкорлик ташкилоти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ), МДҲ каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва қатор ихтисослашган халқаро тузилмалар ишида фаол иштирок этмоқда. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ, шунингдек, халқаро ҳамжамият олдида турган бошқа долзарб муаммоларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Тошкентда ўтказилган минтақавий хавфсизлик бўйича анжуман (1995 сентябрь), ядросиз ҳудуд масаласига доир халқаро саммит (1997 сентябрь), Президент И.Каримов ташаббуси билан 1999 йил 18-20 июль кунлари Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳининг олий даражадаги учрашуви жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлди. Буни Тошкент учрашувида қабул қилинган «Тошкент декларацияси»га БМТ Бош Ассамблеяси томонидан инсоният тақдири ва келажагига дахлдор бўлган муҳим сиёсий ҳужжат мақоми берилгани ҳам тасдиқлаб турибди. Эндиликда Президентимиз ташаббуси билан «6+2» мулоқот гуруҳини (Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Эрон, Покистон, Хитой+АҚШ ва Россия) «6+3» гуруҳига айлантириш ҳаракати давом этмоқда. Бу ғоя Президент И.Каримов томонидан 2008 йил 3 апрелда Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида илгари сурилди. Унга биноан Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнида АҚШ ва Россия қаторига НАТОни ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқлиги ҳар томонлама асослаб берилди.

Шу муносабат билан БМТ Тошкентга ўзининг — «Тинчлик элчиси» деган шарафли унвонини берди. Бу пойтахтимизнинг дунё сиёсати марказларидан бирига айланаётганидан далолатдир.

Шуни алоҳида ғурур билан яна бир бор таъкидлаш керакки, бугун бутун дунёда пойтахтимиз Тошкент нафақат қадим маънавият, маданият, илм-фан бешиги, ислом маданиятининг пойтахти (2007 й), 2200 йиллик тарихдан гувоҳлик берувчи азим шаҳар, балки тинчлик-осойишталик, халқлар дўстлиги, тенглиги, инсон ҳуқуқлари, инсонпарварлик соҳасида энг илғор, энг конструктив ғояларни илгари сурувчи, бу ғояларни халқаро ҳамжамиятга асослаб бера оладиган, ўтказа оладиган кучли марказ сифатида эътироф этилаяпти ва тан олинаяпти. Бу эса шу муқаддас замин фарзандиман, деган ҳар бир инсон қалбига фахр, ифтихор, ғурур туйғуларини бағишлайди.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Футбол

ИККИНЧИ ДАВРА АРАФАСИДА

Футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати олий лига жамоалари 8 август куни иккинчи давра учрашувларини бошлашади. Айни вақтда жамоалар давралар оралиғидаги танаффусдан унумли фойдаланиш мақсадида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказишмоқда.

Муборакнинг «Машъал» футболчилари Словакияда, «Нефтчи» (Фарғона), «Навбаҳор» (Наманган) жамоалари Иссиққўл (Қирғизистон)да ўқув-машғулотларини ташкил этишаётган бўлишса, қолган жамоалар мамлакатимизнинг Чимён, Дукент ҳамда Янгиободдаги спорт-соғломлаштириш марказларида иккинчи давра ўйинларига ҳозирлик кўришмоқда.

Давралар оралиғидаги кутилмаган ўзгариш «Андижон» жамоасида рўй берганлигини таъкидлаш лозим. Биринчи давра баҳсларини чемпионат жадвалида бешинчи ўрин билан якунлаган жамоа бош мураббийи Владимир Бондаренко истеъфога чиқарилиб, унинг ўрнида Ориф Маматказин иш бошлади. Олий лига дебютанти ва мавсум аутсайдери Андижоннинг яна бир жамоаси «ЎзДонгЖу» футболчилари бош мураббийи Ислом Аҳмедов ҳам ишдан кетиш тўғрисида ариза ёзди. Эндиликда бу жамоани қўқонлик таниқли мутахассис Баҳром Ҳакимов майдонга бошлаб чиқадиган бўлди.

Танаффусдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётган Қаршининг «Насаф» футболчилари биринчи даврани тўртинчи ўрин билан поёнига етказишганди. Айни пайтда Эдгар Гесс бош мураббийлик қилаётган жамоа ўқув-машғулот йиғинларини Дукентда ўтказишмоқда. Машғулотларда бир қатор янги футболчилар ҳам мураббийлар кўригидан ўтишмоқда. Жумладан, грузиялик Дато Кирия, Мамука Чикобоа, словакиялик Мариан Гилибах, «Қурувчи»дан иқтидорли ҳужумчи Анвар Ражабов, «Қизилқум»дан Шавкат Муллажонов, «Бухоро»дан нигериялик Бенидикт Опара, Беҳзод Каримов, Абдураззоқ Жўраевларнинг таклиф этилганлиги қаршиликларнинг иккинчи даврада ўз олдиларига жиддий мақсадларни қўйганликларига ишора бўлмоқда.

Шунингдек, Жиззахнинг «Сўғдиёна», Тошкентнинг «Пахтакор», Наманганнинг «Навбаҳор» жамоалари ҳам ўз таркибларини қучайтириш учун бир қатор иқтидорли футболчиларни синовдан ўтказишяпти. Демак, иккинчи давра баҳслари мухлислар учун олам-олам завқ ва қувонч ҳадя этиши шубҳасиз.

Эркин ХОЛБОБО

Муаллиф олган сурат.

ЁШ ОШПАЗЛАР ТАНЛОВИ

Андижон вилоятида илк бор ёш ошпазлар ўртасида «Чўнтакда палов» кўрик-танлови ўтказилди.

Асака шаҳрида уюштирилган кўрик-танлов Андижоннинг барча шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган ҳамюртларимиз билан янада файзли бўлди. Тадбирда таъкидланганидек, ёш ошпазлар сайли ҳамюртларимизнинг дам олиш вақтларини мазмунли ва мароқли ташкил этиш билан бирга ёшларга пазандалик ва ошпазликнинг ўзига хос сир-асрорларини ўргатиш ва ёшлар орасида кенг тарғиб қилишга қаратилган.

Мазкур кўрик-танловни Асака шаҳрининг «Чўнтак» чойхонасида ўтказилиши бежиз эмас, чунки бу ерда тайёрланадиган андижонча паловнинг довруғи бутун мамлакатимизга ёйилган, десак муболаға бўлмайди.

Тадбир доирасида ёш ошпазлар таомни тайёрлагунларига қадар истироҳат боғининг барча чойхоналарида қизиқарли концерт дастурлари намойиш этилди. Сўлим табиат қўйнида қизиқарли томошалар намойиши бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари халқимизга хос бўлган бундай гўзал урф-одатлар борлигидан фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этганлигини алоҳида таъкидлашди.

Танлов сўнггида концерт дастури ва ёш ошпазларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Туркистон-пресс».

2008 йил — Ёшлар йили

ЁШЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларни юртимиз келажагига муносиб тарзда, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Истиқлолимизнинг ўн еттинчи йили Ёшлар йили деб эълон қилиниши эса бу борада олиб борилаётган кенг қамровли эзгу фаолиятнинг узвий давоми бўлди.

Президентимизнинг «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида ҳам бугунги кунда ёш авлодни тарбиялаш, уларга зарур шарт-шароитлар ва кенг имкониятларни яратиб бериш борасидаги энг долзарб вазифалар ҳамда уларнинг ечими ҳақида сўз боради.

Шунингдек, 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг туб мазмун-моҳияти ҳам болаларга яратилган имтиёз ва уларнинг ҳуқуқларини тўлақонли кафолати бўлди, дейиш мумкин. Сабаби, ушбу қонун билан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари, бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштироки, бола ҳуқуқларининг асосий ва қўшимча кафолатлари алоҳида белгилаб берилди.

Мамлакатимизда қабул қилинган ёшларга оид бу каби қонунларнинг моҳиятини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби масалалар Тошкент вилоят адлия бошқармасининг доимий диққат-эътиборида. Шу билан бирга, вилоятда ёшлар ўртасида тузилган никоҳларнинг мустаҳкамлиги, оила ва жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш, ажралишларнинг олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини янада кучайтириш мақсадида ФҲДЁ идораларининг фаолияти ҳам ривожлантириб борилмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугун мамлакатимизда ёш оилаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва барқарор даромад манбаларини шакллантириш ҳамда уларни амалий рағбатлантиришнинг кучли ҳуқуқий механизми яратилди.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик «Ёшлар йили» Давлат дастурида ҳам ўз аксини топгани эътиборга молик. Зеро, оила жамиятимизнинг асосий бўғини ҳисобланади, оила фаровонлиги — жамият фаровонлиги демакдир.

Хусусан, Тошкент вилояти тижорат банклари томонидан жорий йилнинг биринчи чораги давомида ёш оилаларга жами 2 млрд. 550 млн. сўмлик 500 та кредитлар ажратилган бўлиб, шундан 1 млрд. 488 млн. сўмлик 82 таси ипотека кредитлари, 618 млн. сўмлик 267 таси истеъмол кредити, 445 млн. сўмлик 151 таси микрокредитларни ташкил этади.

«Ёшлар йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлашда адлия органларининг ўрни ҳам беқиёс. Адлия бошқармаси ва қуйи тизим идоралари томонидан мазкур дастурда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашини шакллантириш, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида ҳуқуқий-тарғибот тадбирлари режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, бошқарма ходимлари ва вилоятнинг туман-шаҳарларидаги ФҲДЁ ва нотариал идоралари ходимлари томонидан жойларда таълим муассасалари, фуқаролар йиғинлари, корхона ва ташкилотларда кўплаб ҳуқуқий-тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида вилоят адлия бошқармаси ва қуйи тизим идоралари томонидан ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида 15 843 нафар тингловчини жалб қилган ҳолда, 602 та ҳуқуқий-тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Зеро, ёшлар камоли юрт истиқболи демакдир.

Лазиз МУСАШАЙХОВ,
Тошкент вилоят адлия бошқармаси бошлиғи.

ЯНГИ МАКТАБЛАР

Пешку туманидаги Деча, Зарафшон, Кодиравон, Янги ҳаёт қишлоқлари аҳолисининг яна бир орзуси мустақиллик байрами арафасида ушаладиган бўлди. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида бир йўла иккита замонавий мактаб қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. 29- ҳамда 21-мактабларнинг янги биноларини тумандаги 202-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари бунёд этишмоқда.

— Бу мактабларда ўқувчиларнинг билим олишлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Матёқуб Ҳожиев. — Фан кабинетлари, тиббиёт хоналари, устахона, ошхона, спорт зали замонавий жиҳозлар билан таъминланади. Бир сўз билан айтганда, бу кошоналар ҳар қандай киши ҳавас қилса арзийдиган бўлади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи: **«Қувасой шаҳридаги департамент биносини мукаммал таъмирлаш» ҚМИга. Муддати** — 2008 йил 20 сентябрь

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Фарғона вилоят бошқармаси.

Манзили: Фарғона шаҳар, А.Навоий кўчаси, 29-уй, телефон: 226-64-15, факс: 226-64-43

Таъмирлаш ишлари Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, (Фарғона вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси), телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76 мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ЎзР ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ

2008 йилда капитал реконструкция қилиниши мўлжалланган қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- **НИШОН ТУМАНИ, «ҚАРШИ-КЕРКИ» БОЖХОНА ПОСТИНИ КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ.**

Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 925.119.104 сўм. Қурилишни тугаллаш муддати — 150 кун.

Буюртмачи — ЎзР Давлат божхона қўмитаси Қашқадарё вилояти бошқармаси.

Манзили — Қарши шаҳри, А.Навоий проспекти.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат божхона қўмитасининг махсус фонди ва ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

- етарли касбий ва техникавий малакага;
- иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
- молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган — «Даврархитектқурилиш» қўмитасининг капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоят ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63, 223-19-14.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 13 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8078 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 22.45
1 2 3 4 5 6 7 8

Sotuvda erkin narxda